

ШАРТНОМА № 2022/13
(Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши)

Тошкент вил.

“ 16” май 2022 йил

Ўрта Чирчик туман Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда Буюртмачи) номидан Устав асосида иш юритувчи директор А. Турсункулов бир томондан ва "EXCELLENT ROAD PROJECT" МЧЖ (кейинги ўринларда Бажарувчи) номидан Устав асосида иш юритувчи директор Ш. Тиллаходжаев иккинчи томондан, бюджет маблаглари ҳисобидан Тошкент вилояти Ўрта Чирчик тумани Мингтепа МФЙ худудидаги ички йўлларни жорий таъмирлаш смета хужжатларни ишлаб чиқиши ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўгрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан xarid.uzex.uz маҳсус ахборот портали орқали (Лот рақами 79220) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюрмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 11 майдаги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

Шартнома предмети ва муддати.

1.1. Бажарувчи Тошкент вилояти Ўрта Чирчик тумани Мингтепа МФЙ худудидаги ички йўлларни жорий таъмирлаш смета хужжатларни ишлаб чиқиши мажбуриятини, Буюртмачи эса уни кабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари ишларини Ўзбекистон Республикасида белгиланган хукук ва конун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи шартнома бўйича лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқади.

1.4. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотлар асосида шартнома ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика Фазначилигига рўйхатдан ўтган кундан бошлаб шартноманинг 2-иловаси “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”да белгиланган муддатларда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари ишлари бўйича экспертиза хulosасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва қидирув ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Иш жараёнида келишилган асосий лойихавий ечимларни буюртмачига топширилади.

1.7. Ишлар паралел равишда амалга оширилади ҳамда лойиха ишлари босқичма-босқич бажарилади ва топширилади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари.

2.1. Шартноманинг баҳоси шартнома тарафларининг келишуви (1-илова)га асосан КҶС билан **21 600 000 (ийигрма бир миллион олти юз минг)** сўмни ташкил этади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”га мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика Фазначилигига рўйхатдан ўтгандан сўнг 5 кун мобайнида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ, Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари ишлари давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертизаси хulosасини олиб, Буюртмачига тақдим этгандан сўнг, топшириш қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, 15 кун мобайнида дастлаб тўланган аванс маблағи (шартнома баҳосининг 30 фоизи миқдорида) ушлаб қолиниб молиялаштирилади.

2.4. Шартноманинг баҳоси узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

Дастлабки ҳисобланган смета хужжатларига экспертиза хulosаси олингандан сўнг, лойиха-смета хужжатлари баҳоси (маҳаллий бюджетдан молиялаштирилганда Тошкент вилояти туман хокимиятлари молия бошқармалари) томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан Буюртмачи ва Бажарувчи розилиги билан заруратга кўра ушбу шартномага қўшимча келишув имзоланади.

3. Томонлар мажбуриятлари.

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Бажарувчи тўлаши ёки ишларининг айрим босқичлари тутатилганидан кейин нархнинг тегишли кисмини тўлаши, тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даво юзасидан ишда қатнашишига Бажарувчини жалб қилиши шарт.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бирламчи маълумотларни (нуқсанлар қайдномаси ёки ижро ҳужжатлари, пудрат ташкилотининг ўртacha иш хақи, ишлатилган машиналар, механизмлар ва техник кўрсаткичларга эга

транспорт воситалари, ишлатилган машиналар, механизмлар ва транспорт воситаларининг ишлаш харажатлари қўрсаткичлари, пудратчининг бошқа харажатлари, лойиҳа-смета хужжатларининг белгиланган хужжатларидаги бошқа харажатлари.

Тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда) тақдим килади.

3.3. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларни 10 (ўн) иш қуни мобайнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аникланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларда аникланган камчиликларни, 10 (ўн) иш қуни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул килинган деб хисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.4. Бажарувчи лойиҳа-смета ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари ва бажарилган қидиурв ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аникланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Агар лойиҳа-смета хужжатлари ёрдамчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлса камчиликлар аникланган тақдирда ёрдамчи ташкилот ишлаб чиқилган лойиҳа-смета хужжатлари учун тўлиқ жавоб беради ва Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

3.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вактида ўтказилмаган ҳолда ёки дастлабки маълумотларни тақдим қилиш кечикирилганда ишларни туталлаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечикирилган вактга кадар узайтирилади.

3.6. Лойиҳанинг асосий ечимларини буюртмачи билан биргаликда тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. Лойиҳа-смета хужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тутагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан лойиҳалаш учун топшириқда кўзда тутилган хужжатлар тўпламини топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1-бандида қўрсатилган хисобот хужжатларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул килмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул килган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар қўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган хисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини қўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аникланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга лойиҳа-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожат қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш.

5.1. Лойиҳа-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал хисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Низоларни ҳал этиш.

6.1. Шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган низоларни тарафлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар тарафлар томонидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси бериш ва ишни судда кўриб чиқилиши натижасида ҳал килинади.

7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.

7.1. Мазкур шартномага қўшимча битим қўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равища қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзолаган ҳолдагина Ғазначилиқда рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.2. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ёзма шаклда амалга оширилади.

Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгаришишга йўл қўйилмайди.

7.3. Бир тараф шартномани ўзгариши ёки бекор килиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина шартномани ўзгариши ёки бекор килиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

8. Форс-мажор.

8.1. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки кисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсири этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

9. Қўшимча шартлар.

9.1. Бажарувчи Лойиҳа-смета хужжатлари ишларини муддатидан олдин бажарганида, Буюртмачи уни Шартноманинг 4-бандига асосан қабул қиласи ва тўла тўловни амалга оширади.

9.2. Бажарувчи Шартнома шартларини бажариш учун, Шартномада белгиланган муддатларга риоя қилинишини инобатга олган ҳолда ҳамда Буюртмачи билан келишилган ҳолда, ёрдамчи ташкилотларни жалб қилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.4. Бажарувчи томонидан лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.5. Тўланган пеня тарафларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9.6. Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва ҳар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлади.

9.7. Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласи.

9.8. Шартномага қуидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова - Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши бажариш ва молиялаштириш жадвали.

10. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

“Буюртмачи”
Ўрта Чирчик туман Ободонлаштириш
бошқармаси

Ш/х: 401722860272537045204110004

ИНН: 200583100

Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги Фазналилигининг
Амалиёт Бошқармаси
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Х/Р: 00014 ИНН 201129919



А. Турдиқулов

“Бажарувчи”
"EXCELLENT ROAD PROJECT" МЧЖ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуг'бек тумани
ТТЗ-1 Чойхона мажмуаси

Тел:(99898) 123-22-84

Х/р: 20208000805326287001

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ

ИНН:308065474

МФО: 00423

Директор



2022 йил «16»майдаги
2022/13-сонли шартномага 1 - илова

Шартнома баҳосини келишуви

БАЁННОМАСИ

Биз, кўйида имзо чекувчилар: Тошкент вилояти Ўрта Чирчик тумани Мингтепа МФЙ худудидаги ички йўлларни жорий таъмирлаш смета хужжатларни ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил “_____” даги 2022/13-сонли шартнома баҳоси КҶС билан 21 600 000 (йигирма бир миллион олти юз минг) ташкил қиласди.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро хисоб-китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

“Буюртмачи”
Ўрта Чирчик туман Ободонлаштириш
бошқармаси

Ш/х: 401722860272537045204110004
ИНН: 200583100
Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги Фазначилигининг
Амалиёт Бошқармаси
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО 00014 ИНН 201129919



А. Турдиқулов

“Бажарувчи”
"EXCELLENT ROAD PROJECT" МЧЖ

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани
ТТЗ-1 Чойхона мажмуаси
Тел:(99898) 123-22-84
Х/р: 20208000805326287001
“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ
ИНН:308065474
МФО: 00423

Директор _____ Н. Тиллаходжаев



2022 йил "16" майдаги
2022/13-сонли шартномага
2 -илова

Тошкент вилоятини Ўрта Чирчиқ тумани Мингтепа МФЙ худудидаги ички йўлларни жорий
таъмирлаш смета хужжатларни ишлаб чиқиш

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

минг сўм

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Молиялаштириш муддати
			муддати	қиймати	
	Аванс миқдори				2022 йил
1	Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш	21 600 000		21 600 000	15 120 000
	Жами:	21 600 000		21 600 000	21 600 000



Салом



Бажарувчи



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUNCHILIKKA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Sharhnomal № 2022/13

2. Loyihaning nomi:

O‘rta Chirchiq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi bir tomonda, ikkinchi tomonda “EXCELLENT ROAD PROJECT” MCHJ tomonidan tuzilgan 21 600 000 so‘mlik pudrat sharhnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:

O‘rta Chirchiq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi hamda “EXCELLENT ROAD PROJECT” MCHJ tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 16-mayda dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga asosan ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq. Asos: O‘zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdaggi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining sharhnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi 670-I qonuni, O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi O‘RQ-684-sonli Qonuni.

Markaz bosh yuriskonsulti

2022-yil 17-may



N.A.Maxmudov

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 79220 на приобретение MINGTEPA MFY YO'L LOYIXA-SMETA

Способ проведения электронный

Дата 11.05.2022

Время рассмотрения 11.05.2022 13:09

Конкурсная комиссия Ўртачирчик тумани Ободонлаштириш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MAXMUDOV ABDUXAMID BAXTUYOR UG'LI	bo'lim boshlig'i	AUP
Секретарь комиссии	XAMRAYEVA SARVINOZ NIGMAT QIZI	kadrlar inspektori	AUP
Член комиссии	QO'CHQOROV AZAMAT QO'CHQOR O'G'LI	ombor mudiri	aip
Член комиссии	ABDURAXMANOV SUR'AT SAYFULLAYEVICH	bo'lim boshlig'i	AUP
Член комиссии	ALTINOV JONIBEK URAZOVICH	iqtisodchi	AUP
Член комиссии	SIROJITDINOV ABDULAZIZ ADXAM O'G'LI	texanik-injener	aip

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 11.05.2022 года № лота 79220.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	open byudjet dasturi doirasida Mingtepa mfy xududagi ichki ko'chalarini asfaltlash ishlarii uchun loyixa-smeta ishlarni ishlab chiqish
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 000 000.00
Стартовая сумма	27 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 4-шакллар (36 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. Охирги йилда 100 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. Иш ҳақи фонди 100 млн. Сўм ва ундан юқори Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп. Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20% миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas'uliyati	36	36	34	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
cheklangan jamiyati						
ООО EXCELLENT ROAD PROJECT	36	36	36	Экспертная		
ООО FREIGHT SERVICES	36	36	34	Экспертная		

Критерий №2 Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўздан кечирганлиги түғрисида маълумотнома, 6-шакл (2 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиқсанлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	2	2	1	Экспертная		
ООО EXCELLENT ROAD PROJECT	2	2	2	Экспертная		
ООО FREIGHT SERVICES	2	2	1	Экспертная		

Критерий №3 Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги З йиллик иш тажрибаси* 3-шакл (16 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига буюртмачи бошланғич нархининг 50% сўмлик ва ундан кўп (ҳар бир йил 2 балл билан баҳоланади). Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	16	16	12	Экспертная		
ООО EXCELLENT ROAD PROJECT	16	16	14	Экспертная		
ООО FREIGHT SERVICES	16	16	12	Экспертная		

Критерий №4 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати, 5-шакл (27 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Компьютер (ноутбук) техникалари 5 дона ва ундан кўп Сметаларни ҳисоблаб чиқиша қўллаш учун дастурий комплекс (ABC4-и2) 1 та Плоттер 1 та Принтер ва нусха кўпайтириш техникиси 2 та ва ундан кўп Ўлчов асборлари (шагомер, метр) 1 та Автомобиль 1 та

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyatি	27	27	22	Экспертная		
ООО EXCELLENT ROAD PROJECT	27	27	27	Экспертная		
ООО FREIGHT SERVICES	27	27	22	Экспертная		

Критерий №5 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-шакл (19 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга мухандис ва архитектор ходимларни мавжудлиги. Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош мухандисини мавжудлиги. Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош архитекторини мавжудлиги. Доимий равишда ишловчи 2 тадан кам бўлмаган малакали ишчи ходимлар (мутахассислар) мавжудлиги. Ходимларнинг ўртача сони 7 кишидан кам бўлмаган.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyatি	19	19	8	Экспертная		
ООО EXCELLENT ROAD PROJECT	19	19	18	Экспертная		
ООО FREIGHT SERVICES	19	19	8	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"MODERN ROAD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyatি	27 000 000.00	20 000 000.00	04.05.2022 17:07:22	26.33
ООО FREIGHT SERVICES	27 000 000.00	17 550 000.00	10.05.2022 11:35:15	30.00
ООО EXCELLENT ROAD PROJECT	27 000 000.00	21 600 000.00	10.05.2022 09:20:35	24.38

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"MODERN ROAD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyatি	53.9	26.33	80.23
ООО FREIGHT SERVICES	53.9	30	83.9
ООО EXCELLENT ROAD PROJECT	67.9	24.38	92.28

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 79220 от 11.05.2022 года на приобретение MINGTEPA MFY YO'L LOYIXA-

SMETA определила победителем:

ООО EXCELLENT ROAD PROJECT
308065474

и резервный исполнитель: ООО FREIGHT SERVICES (302335775)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MAXMUDOV ABDUXAMID BAXTIYOR UG'LI	Согласен	
Член комиссии	SIROJITDINOV ABDULAZIZ ADXAM O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	QO'CHQOROV AZAMAT QO'CHQOR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ABDURAXMANOV SUR'AT SAYFULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ALTINOV JONIBEK URAZOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

3840192



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"EXCELLENT ROAD PROJECT" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'salilgan holdagi to'liq nomi)

"EXCELLENT ROAD PROJECT" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

11.01.2021 934064 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.
 (Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308065474

Tashkiliy-huquqiy shakli:	Mas'uliyati cheklangan jamiyat
Joylashgan joyi:	Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, TTZ-1 CHOYXONA MAJMUASI HUDUDIDA,
Guvochnoma:	Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI
	tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари
Портали



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 8349-8360-d088-be71-5d34-0617-7929

Хужкат яратилинган сана: 2021-06-21

Ариза рақами: 32490833

Хужкат берилган: "EXCELLENT ROAD PROJECT" mas'uliyati
cheklangan jamiyat

Қабул қилувчининг идентификация рақами: 308065474

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ

"EXCELLENT ROAD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyatiga обьектларнинг
мураккаблик тоифалари классификатори бўйича I тоифадаги обьектлар учун қуидаги:
Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш
учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. фаолият тур(-лар)и билан
шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 21-06-2021 йил

Лицензия рақами: АЛ-001847

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 308065474

Юридик шахснинг почта манзили: Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani TTZ-1 MAVZESI,
CHOYXONA MAJMUASI HUDUDIDA

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

НОСИРОВ ОБИДЖОН ШАРОФОВИЧ

Мазкур ҳужкат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан
тасдиқланган ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали
тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади.
Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун
hero.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил
телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15
сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний
ҳисобланади. Давлат органлariiga Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг
нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

5332

